

**“Конвин” акциядорлик жамияти акциядорларининг
йиллик ҳисобот умумий йиғилиши
_____сонли БАЁННОМАСИ**

Ғазалкент шаҳри

2022 йил “29” июнь

Умумий йиғилиш ўтиш жойи: “Конвин” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) маъмурий биносидаги мажлислар залида (Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48 уй)

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: 10:00

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: 10:50

Акциядорлар умумий йиғилиши бошланган вақт. 11.00

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони - 1 058 752 та.

“Конвин” АЖ акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилиши (кейинги ўринларда матн давомида - Йиғилиш) Жамият кузатув кенгаши томонидан 2022 йил 4 июнда қабул қилинган қарорларга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати тузилган сана - 23.06.2022 й.

Йиғилишни Жамият кузатув кенгаши раиси Р.Таджиев ва Йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Ш.Раимбековга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Марказий депозитарий томонидан 2022 йил 23 июнь ҳолатига шакллантирилган “Конвин” АЖ акциядорлар реестрига мувофиқ, Йиғилишда овоз бериш учун 191 та акциядорга тегишли 1 058 752 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 549 952 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 1 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 51,94% ни ташкил этади.

Шундан сўнг, Р.Таджиев ҳисобот умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва ишчи президиум сайлаш таклифи билан акциядорларга мурожаат қилди. Р.Таджиев 3 (уч) кишидан иборат қуйидаги таркибда Йиғилиш президиумини сайлашни таклиф қилди:

1. Р.Таджиев - Кузатув кенгаши раиси;
2. Н.Қамбаров - акциядор;
3. Ф.Нарметов - Жамият бошқарув раиси в.в.б.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган қарор:

Йиғилиш президиуми қуйидаги таркибда сайлансин:

4. Р.Таджиев - Кузатув кенгаши раиси;
5. Н.Қамбаров - акциядор;
6. Ф.Нарметов - Жамият бошқарув раиси в.в.б.

Йиғилиш раиси Р.Таджиев сўзга чиқиб, Жамият кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссияси аъзоларини қуйидаги таркибда тасдиқлашни таклиф қилди:

- Ш.Раимбеков - “Конвин” АЖ бўлим бошлиғи;
- А.Халтаев – “Конвин” АЖ ходими;
- Н. Абдуллаева - “Конвин” АЖ ходими;

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Жамият кузатув кенгаши томонидан тузилган саноқ комиссияси аъзоларини куйилаги таркибда тасдиқлансин:

- Ш.Раимбеков - “Конвин” АЖ бўлим бошлиги;
- А.Халтаев – “Конвин” АЖ ходими;
- Н. Абдуллаева - “Конвин” АЖ ходими;

Шундан сўнг, Йиғилиш регламентини ўқиб эшиттирди ва уни тасдиқлашни таклиф этди.

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Йиғилиш регламенти иловага кўра тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси - Р.Таджиев йиғилиш баённомасини юритиш учун котиб этиб, Ш.Раимбековни сайлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Йиғилиш котиби этиб, Ш.Раимбеков тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси Р.Таджиев, йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Жамият саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини эшитиш.
4. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан жамиятни 2021 йилга бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан жамият Бошқарув раисиининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг хулосасини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2022 йилги молия-ҳўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотларидан берилган таклифларини кўриб чиқиш ва аудитор ташкилотига тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш;
7. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳолаш ташкилоти ҳисоботини кўриб чиқиш;
8. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2021 йилдаги фойда ва зарарларни тақсимлаш, жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2022 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. Жамият ижроия органи раҳбарини ва бошқарув органи аъзоларини сайлаш (шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш).
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави ва ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш.

14. Жамиятнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Кун тартиби эълон қилингандан сўнг муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Йиғилиш раиси Р.Таджиев чиқиб, “Конвин” АЖ (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини қўйидагича тасдиқлашни таклиф қилди.

- кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш учун - 5 дақиқа;

- кун тартибидаги масалалар бўйича савол-жавоблар учун - 5 дақиқа.

Мазкур таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Қарши-0; Бетараф-0.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Йиғилиш регламентини қўйидагича тасдиқлансин.

- кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш учун - 5 дақиқа;

- кун тартибидаги масалалар бўйича савол-жавоблар учун - 5 дақиқа.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Йиғилиш раиси Р.Таджиев чиқиб, Жамият кузатув кенгаши томонидан тузилган саноқ комиссияси аъзоларини қўйидаги таркибда тасдиқлашни таклиф қилди:

1. Ш.Раимбеков - “Конвин” АЖ бўлим бошлиги;

2. А.Халтаев – “Конвин” АЖ ходими;

3. Н. Абдуллаева - “Конвин” АЖ ходими;

Мазкур таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Саноқ комиссияси қўйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Ш. Раимбеков — “Конвин” АЖ бўлим бошлиги;

2. А. Халтаев -“Конвин” АЖ ходими;

3. Н. Абдуллаева - “Конвин” АЖ ходими,

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан бўйича Йиғилиш раиси Р.Таджиев сўзга чиқиб, Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил иш фаолияти бўйича кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисобот берди (ҳисобот матни илова цилинади).

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1.Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил яқунлари бўйича кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибининг туртинчи масаласи юзасидан Жамият бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси Ф.Нарметов сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2021 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан жамиятни 2021 йилга бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Бизнес-режа бўйича маҳсулот сотишдан соф тушум 51 080 100,0 минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 39 814 547,0 минг сўмни ташкил этди, маҳсулот таннархи 44 601 217,0 минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 36 157 203,0 минг сўмни ташкил этди. Бизнес-режа бўйича 2021 йилда соф фойда 2 645 000,0 минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 118 428,0 минг сўмни ташкил этди.

Шундан сўнг Йиғилиш раиси сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2021 йилги бизнес - режаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бажарилганлигини инобатга олиб, 2021 йил молия - хўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамият Бошқарув раисининг йиллик ҳисоботини тасдиқлашни таклиф этди.

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Жамиятнинг 2021 йилги бизнес - режаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бажарилганлигини инобатга олиб, 2021 йил молия - хўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамият Бошқарув раисининг йиллик ҳисоботини тасдиқлансин.

Кун тартибининг бешинчи масаласи юзасидан жамият Бош бухгалтери Ш.Шораев мажлис қатнашчиларини “OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини яқунлари бўйича молиявий ҳисоботларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий ва' халқаро стандартлар бўйича аудиторлик текшируви натижалари ва хулосалари билан танишгирди.

Аудиторлик ташкилотининг хулосасига кўра Жамият молиявий ҳисоботлари унинг молиявий аҳолини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур жамият амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси амалдаги бухгалтерия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўғри келади деган хулосани берган (хулосалар илова қилинади).

“ Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

1. “OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини яқунлари бўйича молиявий ҳисоботларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий ва халқаро стандартлар бўйича аудиторлик текшируви натижалари ва хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибининг олтинчи масаласи Йиғилиш раиси Р.Таджиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиш ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ акциядорлик жамиятлари ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши кераклигини маълум қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш

(шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киришни маълум қилди.

Шундан сўнг жамият Бош бухгалтери Ш.Шораев Жамиятнинг 2022 йилги молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича “OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотини танлашни ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини 20,0 млн.сўм этиб белгилашни таклиф этди.

Муҳокамадан сўнг, кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Жамиятнинг 2022 йилги молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича “OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотини танлансин ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини 20,0 млн.сўм этиб белгилансин.

Кун тартибининг еттинчи масаласи юзасидан Жамият бош ҳисобчиси Ш.Шораев сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятлар ҳар йили Кодекс тавсияларига риоя этиш жараёнини баҳолатиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолатиши назарда тутилганлигини таъкидлаб ўтди.

Жамиятда 2021 йил давомида корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниш юзасидан амалга оширилган ишлар “Investment Management Group” МЧЖ томонидан баҳоланди ҳамда баҳолаш натижалари бўйича жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими 66 баллни ташкил этиб, “қониқарли” баҳоланди.

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Жамиятда 2021 йил якуни бўйича ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулоса маъқуллансин.

Кун тартибининг саккизинчи масаласи юзасидан Жамият бош ҳисобчиси Ш.Шораев сўзга чиқиб, 2021 йил якунлари бўйича Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи билан таништирди (бухгалтерия баланси - Ф1 ва молиявий натижалар - Ф2 илова қилинади).

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун таотибининг тўққизинчи масаласи юзасидан Жамият кузатув кенгаши раиси Р.Таджиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ҳамда жамият Уставига асосан жамият устав фондининг камида 15 фоиз миқдорида захира фонди, жамиятнинг соф фойдасидан ҳар йили камида 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилиши лозимлиги белгиланган.

Шунга кўра Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича олинган соф фойдаси 118 428,0 минг сўм ташкил этганлиги, Жамият кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ қуйидагича тақсимлаш тавсия қилинган:

- 10,85 фоизи, яъни 12 852,0 минг сўм ёки бир дона акция учун 656,25 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 25 фоизни имтиёзли акцияларга дивиденд тўлаш учун йўналтириш;

- 89,15 фоизи, яъни 105 576,0 минг сўмни жамиятни ривожлантиришга, кейинчалик жамият устав фондига капитализация қилиш учун йўналтириш.

Дивидендлар акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилган санадан 60 кун давомида ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан тўлаш. Тўлов шакли — нақд ёки пул ўтказиш йўли орқали тўланиши амалга ошириш.

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича олинган 118 428,0 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 10,85 фоизи, яъни 12 852,0 минг сўм ёки бир дона акция учун 656,25 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 25 фоизни имтиёзли акцияларга дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин;

- 89,15 фоизи, яъни 105 576,0 минг сўмни жамиятни ривожлантиришга, кейинчалик жамият устав фондига капитализация қилиш учун йўналтирилсин.

Дивидендлар акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилган санадан 60 кун давомида ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан тўлансин. Тўлов шакли - нақд ёки пул ўтказиш йўли орқали тўланиши амалга оширилсин.

Кун тартибининг унинчи масаласи бўйича юзасидан Жамият бошқарув раиси в.в.б. Ф.Нарметов сўзга чиқиб, Жамият кузатув кенгаши 2021 йил 30 ноябрдаги қарорига асосан Жамиятнинг 2022 йилги Бизнес-режаси маъқулланганлигини маълум қилди.

Жамиятнинг 2022 йил учун тузилган Бизнес-режасининг асосий кўрсаткичлари билан акциядорлар ва уларнинг вакиллари танишгирди.

Жамиятнинг 2022 йил учун тузилган Бизнес-режаси лойихаси йиғилиш қатнашчиларига тақдим этилди.

Муҳокамадан сўнг, кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси бюллетенлар орқали овоз беринши сўради.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Жамиятнинг 2022 йил учун бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи Жамиятнинг 2022 йил учун Бизнес-режасида кўрсатилган барча кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлансин.

Кун тартибининг унбиринчи масаласи бўйича Кузатув кенгаши раиси Р.Таджиев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддасига асосан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, ижроия органи

билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилиши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Мазкур масала бўйича жамият Бошқарув раиси этиб Ф. Норметовни сайлаш ва Жамият кузатув кенгаши раисига у билан меҳнат шартномасини белгиланган тартибда тузилишини таъминлаш таклифи киритилди.

Ушбу масала ҳар томонлама муҳокама этилгандан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. “Конвин” АЖ Бошқарув раиси этиб Ф. Норметов сайлансин ва Жамият кузатув кенгаши раиси у билан меҳнат шартномасини белгиланган тартибда тузилишини таъминласин.

Кун тартибининг ун иккинчи масаласи юзасидан йиғилиш раиси Р.Таджиев сўзга чиқиб, Жамиятнинг амалдаги кузатув кенгаши аъзолари Жамият акциядорларининг 26.03.2022 иилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида сайланганлигини инобатга олиб, Жамиятнинг амалдаги кузатув кенгаши аъзоларининг ваколат муддатини Жамият акциядорларининг 2022 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган муддатга узайтиришни таклиф қилди.

Ушбу масала ҳар томонлама муҳокама этилгандан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. “Конвин” АЖнинг амалдаги кузатув кенгаши аъзоларининг ваколат муддати Жамият акциядорларининг 2022 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган муддатга узайтирилсин.

Кун тартибининг ўн учинчи масаласи юзасидан йиғилиш раиси Р.Таджиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритилди ҳамда унга кўра жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) шарти бекор қилинди.

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59 - моддасига асосан жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш жамият акциядорлар умумий йиғилиши ваколатлари доирасига киритилган.

Шунга кўра Жамият томонидан тайёрланган Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини ва ички меъёрий ҳужжатларини иловаларга мувофиқ тасдиқлаш таклиф этилди.

Ушбу масала ҳар томонлама муҳокама этилгандан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини 1-иловага мувофиқ ва ички меъёрий ҳужжатларини 2-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Куи тартибининг ун тўртинчи масаласи юзасидан йиғилиш раиси Р.Таджиев сўзга чқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилшп тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритилди ҳамда унга кўра жамиятнинг тафташ комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) шарти бекор қилинди.

Шунга кўра Жамият томонидан тайёрланган Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлаш таклиф этилди.

Ушбу масала ҳар томонлама муҳокама этилгандан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

Овоз бериш натижалари:


Ёқлаб – 549 952 та овоз, Қарши – 0 та овоз, Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.


Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилингандан сўнг, йиғилиш раиси Р.Таджиев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди:

Йиғилиш раиси:



Р.Таджиев

Котиб:



Ш.Раимбеков

Баённома 2022 йил "18" июльда тузилди